

?????????: ??????? ??????? ??????????? ????????? ???????

??????????. ????????? ????????????????? ????????

??????????????????.

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одамларга имом бўлиб, намоз ўқиётганларини кўрдим. Умома бинти Абу Осс - Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Зайнабнинг қизи елкаларида эди. Бас, рукуъ қилсалар, уни ерга қўяр ва саждадан турсалар, қайтариб олар эдилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Сажда қилсалар, уни қўяр ва турсалар, кўтариб олар эдилар», дейилган.

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўта болажон эканликлари маълум ва машҳур. У зотнинг Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн розияллоҳу анҳуларни кўтариб олиб намоз ўқиганлари ҳақида ривоятлар кўп.

Ушбу ривоятда эса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам катта қизлари Зайнаб розияллоҳу анҳо ва куёвлари Абу Осснинг қизлари Умомани кўтариб олиб, имомлик қилганлари ҳақида сўз бормоқда.

Демак, ёш болаларни кўтариб олиш, уларни ерга қўйиш, яна қўлга олиш билан намоз бузилмайди. Ушбу ва шунга ўхшаш бошқа ҳадислар бунга далил ва ҳужжатдир. Чунки кичик болалар ота-оналарига кўп осилишади. Яна бу ишнинг яхши томони ҳам бор. Намознинг ичида аралашиб ўсган болалар ибодатга мойил бўлиб ўсадилар.

Болалар ва уларнинг кийимлари пок бўлиши ҳақида ҳукм бор. Фақат нажосат очиқ-ойдин кўриниб турган бўлса, уни кетказиш керак.

???? ?????????? ?????? ?????? ?????????? ??????????:
?????? ?????????????? ?????? ??????? ?????? ??????????
????????????? ?????????????? ??? ?????????????? ??????????????
????????????? ?????????????? ?????????? ?????????? ?????????? ???
????????? ?????????? ?????? ?????????????????? ??????????????????
????????????? ??? ??????????????????. ?????????? ??????????????
?????????????.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

У киши:

«Келсам, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам уйда эшикни бекитиб олиб, намоз ўқиётган эканлар. Бас, юриб келиб, менга эшикни очдилар ва яна ўз жойларига қайтдилар», дедилар.

Ва у (Оиша) эшикнинг қибла тарафда эканлигини васф қилдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Маълумки, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳамма фарз намозларни масжидда жамоат билан ўқиганлар. Хужраларида эса нафл намоз ўқиганлар. Бинобарин, ушбу ривоятда ҳам нафл намоз ҳақида сўз бормоқда. Зотан, бу ҳадиснинг бошқа бир ривоятида нафл «намоз ўқиётган эканлар» ҳам дейилган.

Эшик қибла тарафда бўлганлиги учун у зот соллаллоху алайҳи васаллам бориб, эшикни Оиша онамизга очганларида юзлари қибладан бурилмаган экан.

Демак, шундай ҳолатда эшикни очиш ёки шундай ишни қилиш билан нафл намоз бузилмайди. Албатта, ҳожат юзасидан қилинганида.

????????? ???????: ?????? ?????????????? ???????????

????? ?????? ?????? ?????????? ?????????????? ???????????

????????? ?????????????????? ?????????????? ??????????????

????????????????? ?????????? ?????????? ?????? ??????????????

????????? ?????????????? ??????????????????????????. ??????????

????????????????? ?????????? ??????????????????????. ???????

?????????????: ?????????? ?????????? ?????????? ??? ??????????????

????????????????? ?????????? ??????? ?????????????? ??????????????

????????? ?????????????? ?????????? ?????????? ??????????????

????????????????????? ?????????? ??????? ??????????????????..

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Батаҳқиқ, мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиётганларида у зот билан қибланинг ўртасида ёнбошлаб ётганим бор. Бас, сажда қилишни хоҳласалар, оёқларимни қўллари билан туртар эдилар. Мен оёқларимни йиғиштирар эдим».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Бошқа бир ривоятда:

«Намоз ўқиб турганларида оёқларимни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиблаларига чўзар эдим. Бас, сажда қилсалар, мени туртар эдилар. Мен оёқларимни кўтарар эдим. Бас, турсалар, уларни чўзар эдим», дейилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф аввал ҳам ўтган. Лекин бу ерда намозда енгил ҳаракат қилиш мумкинлигига далил келтириш учун қайтадан ривоят қилинмоқда.

Бу ривоятдан нафл намозида аёл киши эрининг қибла тарафида оёғини чўзиб ётиши, эр сажда қилмоқчи бўлса, уни туртиши мумкинлигини билиб олмоқдамиз. Демак, бу нарса жоиз экан.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.